ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ
1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ
1997 йил 25 март. Сешанба № 24 (5.797). Сотувда эркин нархда

# ЕРГА БАРАКА УРУҒИ ТУШДИ

## Андижон усули— чигитни плёнка остига экиш технологияси мамлакатнинг барча минтақаларида кенг қўлланилаяпти

### ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Пахтачилик — мамлакатимиз иқтисодиётининг, хусусан қишлоқ хўжалигининг энг асосий тармоғи ҳисобланиб, халқимизнинг турмуши кўп жиҳатдан бу соҳа билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам оқ олтин етиштириш, ҳосилни саранжомлаб олиш жараёнларидаги барча юмушларнинг қандай даврда, қайси ойда адо этилиши деярли ҳар бир ўзбекистонликка ёд бўлиб кетган. Юртдошларимизнинг кўпчилиги чигит экиш асосан 10-15 апрелдан бошланиб, 20-25 апрелгача давом этишини, об-ҳаво ноқулай келган баъзи минтақаларда бу юмуш 5-10 майгача чўзилиб кетишини, саратонда — саксон-тўқсон кун давомида ғўза уч-тўрт бор суғорилишини, шунча марта қатор ораларига ишлов берилишини, икки-уч сафар минерал ўғит билан озиқлантирилишини яхши билишади. Ҳамюртларимизнинг аксариятидан сўрасангиз, август ойининг биринчи ўн кунлигида ўсимлик чеканка қилиниб, ривожи пасайтирилишини, сентябрь ойининг ўрталарида эса ғўза баргини тўктириш учун дорилаш бошланишини, октябрда ва ноябрнинг ўрталаригача ҳосил оммавий равишда йиғиб-териб олинишини, бу юмуш баъзан мўлжалдагидан 20-25 кунга чўзилиб кетишини ҳеч бир адашмай айтиб беришади. Чунки юртимизнинг асосий даромад манбаларидан бири саналган пахтачилик ҳаётимизга сингиб кетган.

Кейинги икки-уч йилда узоқ давр мобайнида шаклланиб қолган, юқорида таърифланган анъанавий технологиядан бирмунча фарқ қилувчи, иш жараёнларининг муддатлари ўзгарган ҳолатларга дуч келаяпмиз. 1996 йили Андижон вилоятининг чигит плёнка остига экилган пайкалларида 25 июлдаёқ пахта очила бошлаганлигини юртдошларимизга «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг биринчи саҳифаси орқали катта хурсандчилик билан маълум қилганимда, бу янги технологиянинг шарофати эканлигини кўпгина далиллар билан таҳлил этганимда айнан шундай ҳис-туйғулар шууримни қамраб олганди. Мамлакатимизнинг бир қатор минтақаларида бу йил 18 мартдан бошлаб плёнка остига чигит экила бошлаганлиги ҳақидаги хушхабарни эшитиб, шу ишга мутасадди этилган мутахассислар, хўжалик раҳбарлари, деҳқонлар, механизаторлар билан суҳбатлашганимда, пахтачиликдаги бу технологиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини шарҳлашга киришаётганимда ҳам янгиликнинг барча хусусиятлари бирма-бир хаёлдан ўтди. Хизмат тақозоси туфайли кейинги уч ярим йил давомида «Андижон усули»нинг юзага келиши, такомиллаштирилиши, ўзгартиришлар киритилишига доир жараёнлар билан яқиндан танишиб борганлигим учун қуйида янги технология моҳиятига бирмунча тўхталиб, унинг иқтисодиётимизни ривожлантиришга қўшадиган беқиёс ҳиссасини изоҳлашга ҳаракат қиламан.





СУРАТЛАРДА: 1. Қарши туманидаги «Бешкент» жамоа хўжалиги механизатори Зокир Эшонқулов. У плёнка остига чигит экишни тезда ўзлаштириб олди. 2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг янги технологияни жорий этиш бўйича Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги вакили Алишер Очилов, «Бешкент» жамоа хўжалиги агрономи Қувват Турсунов, бригада етакчиси Эргаш Турдиев, Қашқадарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Луқмон Ғаффоров плёнка остига чигит экилаётган далада.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Хўш, чигитни плёнка остига экиш усули қандай ҳаётий зарурат туфайли юзага келди? Маълумки, 1993 йилдан бошлаб темир йўл харажатлари, божхона тўловлари кескин ошиб кетганлиги сабабли чет элдан ғалла сотиб олиб келиш ғоят қимматга туша бошлади. Табиийки, бу мамлакатимиз иқтисодиётига таъсир этиши мумкин эди. Бундан ташқари юртимизнинг табиий-иқлим хусусияти дон етиштиришга тўла жавоб берган бир шароитда четдан ғалла келтириш мантиққа ҳам тўғри келмайди. Ана шуларни ҳисобга олиб Президентимиз мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришиш ташаббусини бошлаб бердилар. Барча минтақаларда, шу жумладан Андижон вилоятида ҳам суғориладиган майдонларда ғалла етиштириш топшириғи белгиланиб, унинг салмоғи йилдан-йилга ошиб борди. Пахта толаси мамлакатимиздан четга экспорт қилинадиган энг асосий маҳсулотларнинг бири эканлиги, у иқтисодиётимизнинг таянч нуқтаси бўлганлиги ва бундай хом ашёга жаҳон бозорида талаб-эҳтиёж катта эканлиги туфайли пахта ҳажмини камайтирмаган ҳолда ғалла етиштиришни кўпайтириб боришдек масъулиятли вазифа қўйилди. Андижон вилояти ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, омилкор деҳқонлар бу топшириқни бажариш учун 1993, 1994, 1995 йилнинг кузида оқилона йўл тутдилар. Суғориладиган ер чекланганлиги ҳисобга олиниб, сентябрь ойида — пахта бир-икки марта териб олинганидан сўнг ўзлари яратган алоҳида мосламалар билан ғўза пуштасига ва унинг ён бағрига кузги дон экишди. Ҳосил саранжомлаб олингач, ғалла парваришини кучайтириб юбориш орқали қиш-қировли кунлар бошлангунга қадар ўсимлик яхши ривожланиб олиши чораси кўрилди. Қишда ва баҳорда ғалла кўнгилдагидек озиқлантирилганлиги, меҳр билан парвариш қилинганлиги туфайли дондан яхши ҳосил олинди. Шундай тадбиркорлик билан Андижон вилоятида 1993 йил кузда 16,2 минг, 1994 йили 52,7 минг, 1995 йил кузагида эса 80,5 минг гектар ерга бошоқли дон экилиб, дастлабига 35,6 центнердан, келгуси йили 43,8 центнердан, навбатдаги йили эса қарийб 60 центнердан ғалла ўриб-янчиб олинди. Ғўза пуштасига ва унинг ён бағрига кузги дон экиш пахта миқдорини камайтирмаган ҳолда ғалла етиштиришни тобора кўпайтириб боришдек масъулиятли вазифани адо этишнинг биринчи босқичи бўлди.

Андижонлик раҳбарлар, мутахассислар, деҳқонлар топшириқни бажариш билан бир қаторда бу масалага тамомила бошқача ёндошган ҳолда муаммо ечимини топиш ҳақида бош қотирдилар. Зотан, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, у янги-янги талаблар қўяди. Юзага келган вазиятни оқилона ҳал этиш учун унинг энг мақбул ечимини топиш зарур эди. Биринчидан, ғалла етиштириш ҳажмини ошириш талаб этиларди. Иккинчидан, асосий суғориладиган ерлар пахта ва ғаллага банд бўлиб қолгач, сабзавот, картошка, шоли, дуккакли экинлар, чорва озуқаси учун беда экиладиган майдонлар масаласида бирмунча қийинчилик юзага келди. Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш йўлга қўйилди. Бу муаммони тўла-тўкис ҳал этиш имкониятини бермасди. Пахта ва дон ҳосилдорлигини янада ошириш ҳисобига бошқа экинлар учун ер бўшатиб бериш энг тўғри ва мақбул йўл эканлиги аён бўлди. Кузги дон ғўза пуштасидан кўра текис ерга экилганда ҳосилдорлик сезиларли даражада юқори бўлади. Вилоятда ғаллани очиқ майдонларга экиш учун эса ер чекланган. Фақат пахта-ғалла алмашлаб экиш тизимини энг мақбул кўринишда қўллаш кутилган натижани беради. Пахта йиғим-терими кўпинча ноябрь ойи ўрталаригача давом этади. Ўша пайтда ерни ҳайдаб, дон экиб бўлмайди. Кузги ғаллани октябрь ойининг биринчи ярмида, узоғи билан 20-октябргача экиб олиш энг мақбул муддат ҳисобланади. Демак пахта ўрнига кузги ғалла экиш учун ғўзанинг ўсиб-ривожланиш, кўсаклаш, ҳосил пишиб етилиши даврини бир ойга қисқартириш талаб этилади. Вилоят ҳокимлиги масалани айнан шундай тарзда қўйиб, мутахассисларга, хусусан Пахтачилик илмий-тадқиқот институти Андижон филиали олимларига мурожаат этди. Бу ташкилот ва бошқа идораларнинг мутахассислари шу масалада изланишди, турли таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Ниҳоят, бир тўхтамга келинди. Хитой, Испания, Греция сингари мамлакатлар деҳқончилигида кенг қўлланиладиган технология — уруғликни плёнка остига экиш усулидан фойдаланиш пахтанинг усиб-ривожланиши ва пишиб етилиши даврини бир ой қисқартириши тажрибада синаб кўрилди. Бунинг учун 1995 йили вилоятнинг табиий-иқлим шароити турлича бўлган минтақаларида 71,4 гектар ерда шундай технология асосида деҳқончилик қилинди ва ўртача 42,6 центнердан пахта ҳосили олинди. Бир қатор омилкор бригадаларда ҳосилдорлик 50-53 центнерни ташкил этди. Чигитни плёнка остига экишда қўлланиладиган, Андижон механика корхонасида яратилган сеялка механизатор ва мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда такомиллаштириб борилди. 1996 йили Андижон вилоятида плёнка остига чигит экилган майдонлар 9,4 минг гектарни ташкил этди. Оддий усулдагига нисбатан 12-16 центнердан кўп ҳосил етиштиришга муваффақ бўлинди. Бир қатор бригадаларда эса ҳосилдорлик 55-60 центнердан ҳам ошиб кетди.

Ўтган йили пахта йиғим-терими энг қизғин паллага кирган пайтда юртбошимиз И. А. Каримов Андижон вилоятида бўлиб, бошқа ибратли ишлар билан бир қаторда чигитни плёнка остига экишга асосланган технологияга юқори баҳо бердилар ва бу усулни мамлакат бўйича кенг қўллаш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, янгиликни бутун мамлакатда кенг жорий этиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар дастури белгилаб олинди. 1997 йили мамлакатимиз бўйича 218,5 минг гектар ерга чигитни плёнка остига экиш топшириғи белгиланди. 1998 йили бу кўрсаткични 500 минг гектарга, 1999 йили 750 минг, 2000 йилда эса бир миллион гектарга етказиш режалаштирилди.

### АФЗАЛЛИГИ ЗИЁДА

Янги технологиянинг хусусияти билан яхши таниш бўлмаган деҳқонларда, мутахассисларда «Бу усулнинг афзалликлари нималардан иборат», деган савол туғилиши табиий. Бунга қуйидагича жавоб бериш уриниламиз:

Биринчидан, ҳозиргача қўлланиб келинаётган одатдаги усулда тупроқ ҳарорати 11-12 даража бўлиши кутилади. Ана шундай ҳарорат эса одатда апрель ойининг биринчи ўн кунлиги ўтгандан сўнг бўлади. Плёнка остига чигит экиш усулида эса апрелнинг ўрталарини кутиб ўтиришга ҳожат қолмайди. Чунки бу технологияда қуёшнинг нури таъсирида плёнка тупроқнинг ҳароратини 3-4 даража оширади. Шунинг учун ҳам март ойининг ўрталаридан кейин тупроқнинг 10 сантиметр чуқурликдаги ҳарорати 8-10 даража бўлганда плёнка остига чигит экишни бошлаб юбориш имконияти вужудга келади. Плёнка ерни қиздириши туфайли чигит дарҳол амал олиб, тўла ва текис униб чиқади, тез илдиз ота бошлайди. Демак, биринчи жараённинг ўзидаёқ ниҳолнинг ривожланиши қарийб 20 кунга тезлашади.

Иккинчидан, сел, дўл ва бошқа табиий офатлар оқибатида ернинг қатқалоқ бўлиб қолиши кузатилмайди. Яъни қатқалоқни юмшатишга ҳожат қолмайди. Плёнка остидаги тупроқ доимо майин ва юмшоқ ҳолатда бўлади. Плёнка туфайли олинаётган қўшимча ҳарорат тупроқнинг пастки қисмидаги намликни буғлатиб, юқорига кўтаради. У плёнкага тақалгач, яна қуйига тушади. Натижада тупроқдаги фойдали организмларнинг ҳаёт фаолияти кучаяди. Энг асосийси, минерал ўғитларнинг асосий қисми плёнка билан қопланган пушта ўртасига солинганлиги туфайли уларнинг сув билан беҳуда ювилиб кетишига йўл қўйилмайди, мумкин қадар кўпроқ самара беришига эришилади.

Учинчидан, эгатларга плёнка ёйилганлиги туфайли унинг устини бегона ўт қопламайди. Демак, кўп меҳнат талаб қиладиган, асосан хотин-қизларнинг зиммасига тушадиган кетмон чопиғига деярли ҳожат қолмайди. Бу қўл меҳнати салмоғини кескин камайтириб, маҳсулот таннархини озайтиришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, туксизлантирилган чигит аниқ уялаб махсус сеялкада экилганлиги туфайли уруғлик кўп миқдорда тежалади ва уни бошқа эҳтиёжлар учун сарфлашга шароит туғилади. Ўсимлик ёғига, чорва озуқасига талаб-эҳтиёж ғоят катта бўлган ҳозирги пайтда чигитнинг иқтисод қилиниши алоҳида аҳамиятга эга.

Бешинчидан, эрта баҳордан то кузгача адо этиладиган жараёнлар тезлашганлиги туфайли пахта ҳосилининг пишиб етилиши одатдаги усулдан қарийб бир ой илгари бошланади. Янги технология асосида деҳқончилик қилинганда пахта июль ойининг охирларидаёқ очила бошлайди ва ҳосилни саранжомлаб олишни сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ниҳоясига етказиш имконияти вужудга келади. Демак, ерни пешма-пеш ҳайдаб, октябрнинг ўрталаригача кузги дон экиш учун шароит яратилади. Ҳар бир вилоят, туман ва хўжаликда пахта-ғалла алмашлаб экиш тизимининг энг мақбул кўринишини шакллантириш учун қулай имконият туғилади.

Олтинчидан, барча агротехник тадбирлар энг мақбул муддатларда адо этилиши, минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш шароити вужудга келтирилиши, ҳосил ёғин-сочинли кунларга қолдирилмай саранжомлаб олиниши ва бошқа омиллар туфайли пахта ҳосилдорлиги одатдаги усулга нисбатан 12-16 центнер юқори бўлади. Бу ҳосилнинг 5-7 центнеридан келадиган даромад плёнка сотиб олиш, кимёвий дориларни қўллаш ва бошқа қўшимча харажатларни қоплашга сарфланса, қолган қисми фойдага қолади. Демак, ҳар бир гектар пахтазордан қарийб ўн центнергача қўшимча равишда ҳосил олиш имконияти вужудга келади. Бу агар мамлакатимиз миқёсида фикр юритадиган бўлсак, чигитни плёнка остига экиш технологиясини қўллаш эвазига келгуси йилнинг ўзидаёқ қўшимча равишда ярим миллион тонна пахта етиштириш мумкин эканлиги аён бўлади. Пировард мақсад ҳам айнан шу: ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахтанинг ялпи миқдорини камайтирмаган ҳолда бошқа экинларга ер бўшатиб беришдан иборатдир.

### МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ

1997 йил ана шу улуғвор мақсад йўлида энг масъулиятли босқич ҳисобланади. Бу йил юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиз бўйича 218,5 минг гектар ерга чигитни плёнка остига экиш топшириғи белгиланган ва бу масъулиятли вазифани тўла-тўкис адо этиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Янгилик яловбардорлари — андижонликлар 70 минг, наманганликлар, фарғоналиклар, самарқандликлар 20 минг гектардан, хоразмликлар 19 минг, Сурхондарё вилояти 18 минг, Бухоро миришкорлари 12,5 минг, Тошкент заршунослари 12 минг, Қорақалпоғистон Республикаси 6 минг, Сирдарё вилояти 5 минг, Жиззах ва Навоий вилоятлари эса 3 минг гектардан плёнка остига чигит экиб, янгиликни кенг қўллашга бел боғлаганлар.

— Янги технологияни тадбиқ этиш учун қўлланиладиган плёнка, сеялкалар, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника ресурсларига бўлган талаб олдиндан тўла-тўкис ҳисоблаб чиқилди ва уларни экиш бошлангунга қадар хўжаликларга етказиб беришдек масъулиятли вазифа юклатилган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжа-

(Давоми 2-бетда).

*Шу сонга хабарлар*

## КЎКЛАМ КЎРКИ

**Наврўзи олам ўлкамизга бир дунё файз-таровват олиб келди. Кексаю ёшнинг қалби қувончларга тўлган. Ҳар бир гузар ва қишлоқда Наврўз байрами кенг нишонланяпти. Юртнинг обрўли отахонлари, азиз онахонлари халқимизга омонлик, бахт-саодат тилаб эзгу дуолар қилишмоқда.**

**Ҳа, Наврўз элга қут-барака, ризқ-рўз келтирадиган айёмдир. Деҳқончилик ишлари ҳам шу пайтдан ривож олади. Ҳозир мамлакатимизнинг қайси ерига борманг, кенг далаларда меҳнат кўтаринкилигининг гувоҳи бўласиз. Экин-тикин ишлари қизғин. Бободеҳқон юзида табассум. Бугун умид билан сочадиган уруғидан мўл ҳосил олиш орзусида. Қуйида турли вилоятлардан олинган шу хусусдаги хабарлар босилди.**

### НАМАНГАН

Наврўз байрами арафасида Учқўрғон туманида катта ҳашар уюштирилди. Унда 60 минг нафардан зиёд учқўрғонлик қатнашди. Салкам 6 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шунингдек, эл дастурхонига 7,2 тонна сут, 1,8 тонна гўшт, 100 тонна ун, 15 тонна ўсимлик ёғи тортиқ этилди. Чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа захирасини таъминлаш мақсадида 85 тонна омихта ем ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ кўрки боғ-роғ билан дейдилар. Бир кунда туман бўйича 146 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Дала, боғ ва токзорларда 100 дан ортиқ техника юксак унум билан ишлатилди. 7677 гектар экин майдони жорий текисланди. Пахтадан мўл ҳосил олиш ниятида сидқидилдан ҳаракат қилаётган учқўрғонликлар салкам 4 минг гектар ерда пушта олишди, 1,5 минг гектардан зиёд ер плёнка остида чигит экишга ҳозирланди ва экин ишлари бошлаб юборилди.

Туманнинг «Учқўрғон», «Узбекистон», «Яшиқобод» жамоа хўжаликларида ва «Қуғай» ширкатлар уюшмасида эртаги сабзавот парвариши соз олиб борилмоқда.

### ФАРҒОНА

**Риштон туманидаги Салоҳиддин Ражабов номли жамоа хўжалиги далаларида Наврўз байрами арафасида плёнка остига чигит экиш бошлаб юборилди. Уста пахтакор, илғор бригада бошлиғи Нўъмонжон Тўйчиев етакчилигидаги жамоа 10 гектар майдонга уруғликни Андижон усулида экишди. Бригада аъзолари ундан ташқари яна 40 гектар майдон пуштаси устига барака уруғи ташлашади.**

### СИРДАРЁ

Сайхунобод туманидаги «Шурўзак» ширкатлар уюшмаси пахтакорлари ўтган йили қувончли кўрсаткичларга эришган эдилар. Режадагидан зиёда оқ олтин етиштириб, йилни самарали якунладилар. Моҳир пахтакорлар бу йил 200 гектар майдонда Андижон усулида ғўзани плёнка остида парваришлайдилар. Улар чигит экишга биринчилар қаторида киришдилар.

Уюшманинг боғ ва токзорларида ҳам баҳорги юмушлар авж олди. 44 гектар ердаги мевали дарахтларга шакл берилмоқда ва ниҳоллар ўтқазилмоқда. Тажрибали соҳибкор ва боғбонлар бу юмушларни сифатли адо этишаяпти.

### ТОШКЕНТ

**Кўклам келиб кунлар илиши билан ғалла парваришига ҳам эътибор кучайтирилди. Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги деҳқонлари 700 гектар майдондаги майсаларни минерал ўғит билан озиқлантирдилар. Ўсимлик ривожи яхши. Хўжалик ғаллакорлари ҳар гектар ердан режадаги 37,4 центнер ўрнига 40 центнердан дон олишни ният қилишган.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 1997 йил 24 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 март.

## ОЛИЙ МАЖЛИС САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ МУҲОКАМАСИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ КИРИТИШ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА:

1. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
2. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот.
3. Узбекистон Республикасининг Божхона кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
4. Бож тарифи тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. Узбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
6. Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
7. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
8. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
9. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
10. Узбекистон Республикасининг фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
11. Узбекистон Республикасининг хўжалик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
12. Узбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
13. Узбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
14. Электр энергиясидан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
15. Дори-дармонлар ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
16. Геодезия ва картография тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
17. Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

# ЕРГА БАРАКА УРУҒИ ТУШДИ

(Боши 1-бетда)

лиги вазирининг ўринбосари Мансур Султонов. — 12017,5 тонна плёнка, 3768 дона сеялка, 24020 тонна азотли, фосфорли, калийли ўғитлар талаб этилиши ҳисоблаб чиқилиб, улар билан тўла-тўкис таъминлаш чоралари кўрилаяпти. Бу борада белгиланган топшириқлар ҳозиргача 95-96 фоизга адо этилди. Яна уч-тўрт кун ичида барча зарур моддий-техника ресурсларини хўжаликларга етказиб бериш ниҳоясига етказилади.

Дарҳақиқат, барча имкониятлар ишга солиниб, кейинги уч-тўрт ой давомида янги технологияни қўллашда зарур бўладиган моддий-техника ресурслари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Андижон механика корхонасидан Қорақалпоғистон Республикаси ва кўпгина вилоятларга сеялкаларнинг икки-уч хил кўринишлари етказиб берилди. Бошқа вилоятларда ҳам шу ернинг табиий-иқлим шароитига мослаштирилган сеялкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, Самарқанд вилоятида тайёрланаётган сеялкалардан нафақат Зарафшон воҳасида, балки Қашқадарёда ҳам қўлланилаяпти.

Хоразм вилоятида ҳам чигитни плёнка остига экишда қўлланиладиган сеялкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги таъминотни яхшилашга катта хизмат қилди. Бундан ташқари Самарқанд ва Хоразмда сеялкаларни яратиш жараёнида шу вилоятларнинг табиий-иқлим шароити, тупроқ таркиби ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олиниб, механизаторлар, мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида бир қатор ўзгаришлар киритилди. Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятлари 1100 тоннадан, Хоразм вилояти 1045 тонна, Тошкент вилояти 660 тонна плёнка билан таъминланганлиги шу минтақаларда бу борада белгиланган топшириқ тўла бажарилганлигидан далолат беради.

Чигитни плёнка остига экиш билан боғлиқ топшириқларнинг бажарилиши Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан изчил назорат қилиниб, ишларнинг адо этилиши тезкорлик билан мувофиқлаштириб турилибди. Вазирликда тузилган штабга март ойи ўрталаридан кейин Сурхондарё, Бухоро вилоятларидан плёнка остига чигит экишга киришилганлиги ҳақида хушхабарлар кела бошлади. Орадан уч-тўрт кун ўтганидан сўнг Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида ҳам янги технология асосида чигит қадаш бошлаб юборилди.

— Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Хоразм вилоятларида плёнка остига чигит экиш жадаллик билан олиб борилмоқда. — дейди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги деҳқончилик бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдураҳмат Муборақов. — Сурхондарё вилоятида тўрт-беш куннинг ўзидаёқ плёнка остига чигит экилган майдонлар 450 гектардан ошиб кетди. Бу кўрсаткич ҳозиргача Бухоро вилоятида 260 гектарни, Хоразм вилоятида 240 гектарни, Тошкент вилоятида эса қарийб 130 гектарни ташкил этади. Бошқа вилоятларда ҳам бугун-эрта плёнка остига чигит экишга киришилади. Шу технологияни қўллаш учун энг моҳир бригада етакчилари танланганлиги, улар ва механизаторлар қиш давомида янгиликни тадбиқ этиш юзасидан ўқитилганлиги, ижарачилар билан ўз вақтида шартномалар тузилганлиги бугунги кунда алоҳада аҳамият касб этаяпти.

Ҳақиқатдан ҳам экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилганлиги туфайли бир қатор бригада, хўжаликларда ана шу муҳим юмуш қисқа муддатларда ниҳоясига етказилаяпти. Хусусан, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги «Украина», «Шарқ юлдузи», Норали Боймуродов номли жамоа хўжаликларида чигитни плёнка остига экиш уюшқоқлик билан адо этилди. Худди шу вилоятнинг Олтинсой туманидаги «Пахтакор», «Оқ олтин» жамоа хўжаликларида ҳам янги технологияни қўлланишда ташаббускорлик кўрсатишди.

Шимолий минтақада жойлашган Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги «Қиётобод» жамоа хўжалигида чигит экиш ўтган йилгидан қарийб бир ой илгари бошланди. Чунки бу йил уруғлик бир қатор бригадаларда плёнка остига қадалаяпти.

— Бизнинг жамоада бу йил чигит «Андижон-2М» русумидаги сеялка билан плёнка остига экилди, — дейди бригада етакчиси Султон Рамонов. — Бу сеялкадан фойдаланишни ўрганиш учун алоҳида ўқув ташкил этилди. Чигит экиш кўргазмали семинар билан бирга қўшиб олиб борилганлиги туфайли Қорақалпоғистон Республикаси кўпгина туманларидан келган мутахассислар янгиликни қандай қўллаш юзасидан ўз саволларига жавоб олишди.

Куни кеча Қашқадарё вилояти пахтакорлари ҳам чигитни плёнка остига экишга киришдилар. Улар бу йил 10 минг гектар майдонда янги технология асосида деҳқончилик қиладилар.

— Бу мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди Қашқадарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Луқмон Ғаффоров. — Янги технологияни қўллаш учун талаб этиладиган плёнка, сеялкалар, туксизлантирилган уруғлик чигит, минерал ўғитлар ва бошқа зарур моддий-техника ресурсларини тахт қилиб қўйишга алоҳида эътибор берилди. Олиб келинган сеялкалар хўжаликларда синовдан ўтказилди. Экишга киришдан илгари вилоятнинг турли минтақаларида кўргазмали семинарлар ўтказилди. Ана шу масъулиятли мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун барча чораларни кўраяпмиз.

Қарши туманидаги «Бешкент» жамоа хўжалигида плёнка остига чигит экишга биринчилардан бўлиб киришилди. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Тошпўлат Боймуродовнинг ҳикоя қилишича, бу йил хўжаликда 90 гектар майдонда янги технология қўлланилади. Хўжалик агрономи Қувват Турсунов ва бошқа мутахассислар янгиликни қўллашда бошқош бўлишаяпти.

— Бу йил биз 18 гектар майдонда «Андижон усули» асосида пахта етиштиришга азму қарор қилиб, чигитни плёнка остига экаяпмиз, — дейди бригада етакчиси Эргаш Турдиев. — Шу ишга мослаштирилган сеялкадан моҳирлик билан фойдаланишда механизаторимиз Зокир Эшонқуловнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

...Мартда чигит қадалмоқда. Бу одатдагидан 20-25 кун илгари. Ҳосилни қарийб бир ой илгари пишиб етилтиришга замин қўйилаяпти. Ота-боболаримиз таъбири билан айтганда, йилнинг бошланиши — Наврўз кунларида она заминга барака уруғини қадаётганларнинг ниятлари ғоятда улуғ. Улар кузги чўнг хирмонларни одатдагидан бир ой илгари тиклашни дилларига тукканлар. Бу эзгу орзунинг ушалишига тилакдошмиз.

**Суннатилла САЙДАЛИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти»нинг махсус мухбири.**







**Уйчи туманидаги А. Мўминов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун баҳорги юмушларни сидқидилдан адо этишаяпти. Шунингдек, ғалла парвариши ҳам кўнгилдагидек олиб борилаяпти. Бунда, айниқса, Эргашбой Маллабоев етакчилик қилаётган бригада деҳқонларининг меҳнати таҳсинга лойиқдир. Бу ерда айни кунларда дала ишлари авж олдириб юборилди.**

**СУРАТЛАРДА: (чапдан) 1. Бригада бошлиғи Эргашбой Маллабоев. 2. Эгатларга сув таралаётган пайт. 3. Ғалла ривожи соз.**

**Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.**

# НУРЛИ МАНЗИЛ САРИ

Деҳқончиликнинг сир-синоатини пухта ўзлаштирган, пахтачиликда ўзига хос мактаб яратган Қўзибоқар Синдоров номи кўпчиликка маълум.

Ўшанда айни баҳор кезлари, ерга чигит қадалиб, олди униб чиққанди. Устиустига ёққан дўл ва ёмғир ниҳолларга зиён қилмай қолмади. Туман раҳбарларидан бири Қўзибоқар Синдоров бошчилик қилаётган хўжаликка келиб барча экин майдонларини бузиб, қайтадан экишни топширди. Акс ҳолда, жавобгарликка тортилишини, ўқдириб, дағдаға қиларди.

Тадбиркор деҳқон эса ўз тажрибаси бўйича иш кўрганди. Қарангки, ўша йили натижа чакки бўлмади. Ҳосилдорлик 14 центнерга кўтарилиб, гектаридан 50 центнердан хирмон уюшга эришилди.

Даврнинг қандай бўлишидан қатъий назар, деҳқончилик Қўзибоқар ота учун бебаҳо касб, ризқ-насиба манбаи эди. Ана шу соҳада юртга довруғ таратди. Бироқ деҳқончиликда ўз ўрнини топган бўлса-да, қалбида армон кўп эди.

Ниҳоят, орзу қилган кунлар келди. Юртимиз мустақилликка эришиб, қадриятлар қаторида деҳқон меҳнати ҳам қадр топди. Лекин ҳақиқий ер эгаси бўлиш, Қўзибоқар акага насиб этмади.

Карвоннинг манзилга бехатар етиши карвонбошига боғлиқ, ишбилармон, тадбиркор деҳқон Қўзибоқар Синдоров оламдан ўтгач, унинг ўғли Саидазим Синдоров хўжаликка раҳбар этиб тайинланди.

Бир икки йилда халқ меҳрини қозониб, ўтган йилларда аграр соҳанинг барча тармоқларидан давлатга сотиш режаси ортиғи билан уддаланди. Ишчилар манфаатдорлиги орта борди. Уларга ойлик тўлашдан ташқари ун, ёғ, гуруч сингари кундалик эҳтиёж моллари тарқатилди. Бу эса мўл-кўл ҳосил олишга асос бўлди. Жамоа хўжалиги ҳозир «Синдоробод» номи билан юритилади.

Деҳқонга шарт-шароит яратиш, айниқса, қишлоқда ҳақиқий бозор муносабатларини қарор топтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири. Айни пайтда Сирдарё туманидаги мазкур жамоа хўжалигида бўлган киши бу борада қатор тадбирлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини шакллантиришга йўналтирилган қарори жамоа аҳлига катта мадад бўлади.

Сўнгги уч йил оралиғида хўжаликнинг барча бўлимларида истиқомат қилаётган аҳоли ичимлик суви ва табиий газ билан тўла таъминланди. Ўтган йили хўжаликда 4 миллион 248 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Ҳозир янги иншоотлар барпо этиш, савдо шохобчалари ва бозор тармоқларини кенгайтириш қизғин. Чет эл технологиясига асосланган, ойида 20 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган макарон цехи фаолият кўрсатаётир. Цех хўжалик аҳлининг талабини таъминлашдан ташқари мўмай даромад бераяпти.

Соғлом авлод — юртга қанот. Спортни ривожлантириш, ёшларни замон талаби асосида тарбиялаш каби долзарб ишлар ҳам хўжаликнинг истиқболли дастуридан кенг ўрин олган. Айни пайтда 3000 ўринли стадион қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топшириш арафасида. Шу қаторда теннис кортининг қурила бошлаганлиги хўжалик ёшларини қувонтираяпти.

Мактабларда таълим олаётган ёшларнинг пухта билим олишлари учун ҳам шароитлар яратилган. Хўжалик тасарруфидаги тўртта болалар боғчаси замонавий типда қурилган бўлиб, бу ерда 500 нафардан ортиқ болалар тарбияланаяпти. Болалар боғчаларига сарфланаётган барча харажатлар хўжалик ҳисобидан қопланаяпти.

Ҳозир хўжаликда баҳорги ишлар қизғин. Чигит экиш сеялкалари, культиваторлар, плуг ва чизеллар мавсумга тайёр қилиб қўйилган. Муҳими, миришкорлар бу техникани ўз кучлари билан таъмирдан чиқардилар.

Ғалла — ризқ-рўзимиз, дастурхон кўрки, маъмурчилигимиз манбаи. Жорий йилда 620 гектардаги ғалла майсаларига ишлов берилиб, азотли ва маҳаллий ўғит билан озиқлантирилаяпти. 2500 тоннадан зиёд дон хирмони яратиш миришкорларнинг қатъий мақсадига айланган.

Маълумки, пахтачиликда Андижон тажрибаси ўзини оқлади. Миришкорлар бу йил 300 гектарда плёнка остида чигит қадашни ният қилишган. Бунинг учун барча тайёргарлик ишлари кўрилди. Жумладан, ер текисланиб, шўри ювилди, маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйинтирилиб, пушта олиб қўйилди. Икки ой аввал деҳқонлардан бир гуруҳи Андижонга бориб, плёнка остида экиш усулини пухта ўргандилар.

— Деҳқончиликда тажриба ва ҳамкорлик асосий мезон, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Саидазим Синдоров. — Ҳукуматимиз томонидан деҳқон-миришкорларга барча шарт-шароит яратиб берилаяпти. Шу йилдан эътиборан хўжаликда амалга оширилаётган ишларни доимий назорат қилиш мақсадида тажрибали деҳқонлардан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

Ҳозир уларнинг кўмагида 9 та вертикал дренаж тўла ишга туширилди. Уруғлик келтирилиб, махсус жойларда сақланмоқда.

Миришкорлар жорий йилда ғалла ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишни, пахтадан 32 центнердан ҳосил олишни мақсад қилганлар. Яхши ният — ярим давлат.

Кейинги йилларда бу ерда шартнома усули кенг жорий этилаяпти. Экин майдонлари эҳтиёжига қараб, тажрибали деҳқон-миришкорларга бўлиб берилган. Ўтган йили шартномада кўрсатилган бандлар, режаларни бажара олмаган ижарачилардан ерлар қайтариб олинди ва жамоа қарорига кўра, тадбиркорларга берилди.

Умуман, бозор иқтисоди шароитида аҳоли манфаатдорлигини ошириш, миришкорларга қулайликлар яратиб бериш ҳамда хўжалик иқтисодини янада мустаҳкамлаш доимий эътиборда. Шунингдек, қўшни давлатлар, қўшма корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳам йўлга қўйилган. Чунончи, «ЎзДЭУ-электроникс» фирмаси билан шартнома тузилиб, хўжаликдаги барча алоқа тармоқлари замон талабларига мослаштириб олинди.

Яна бир эътиборли жиҳати бор. Тажриба ва омилкорликка миришкорлар жуда уч. Ана шу мақсадда хўжалик вакиллари яқинда АҚШда бўлиб, у ердаги деҳқончилик ишлари, фермерлар фаолияти билан яқиндан танишиб келдилар. Чет эл тажрибаси, маҳсулдорликни ошириш омиллари хўжаликка ҳам аста-секин кириб келмоқда. Айниқса, техникадан тадбиркорлик билан фойдаланиш ҳамда ерни экишдан олдин ҳосилга тайёрлашга эътибор қаратилаяпти.

Юртимизда баҳор нафаси. Деҳқон орзу қилган кун — Наврўз кезмоқда. Миришкорлар ана шу қутлуғ айём — меҳнат байрамига пухта ҳозирлик кўришди. Маҳалла ва гузарлар ободонлаштирилди. Байрам куни ерга барака уруғи қадашди ва 20 мингта кўчат ўтказишди.

Наврўзда 2500 нафар аҳолига дастурхон ёзишди, хўжалик ҳисобидан суннат тўйи ўтказилди, кам таъминланган оилаларга, меҳнат фахрийларига, илғорларга совға-саломлар улашилди.

Бир сўз билан айтганда, «Синдоробод» жамоа хўжалиги миришкорларининг режалари катта. Халқимизда йилни қандай кутсанг, баракаси шундай бўлади, деган гап бор. Улар мустақил республикамизнинг олти йиллиги нишонланадиган йилда аграр соҳанинг барча тармоқларидан юқори натижаларга эришиш ниятидалар.

**Азамат СУЮНОВ,**
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**

# ОҲАНГАРОН ОҲАНГЛАРИ

Бир пайтлар «Янги ҳаёт»нинг довруғи узоққа кетганди. Бу ерда пойтахт вилояти хўжаликларидан йиғилган бузоқлар бўрдоқига боқиларди. Чорва фермалари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилгач, ўзаро алоқалардан путур кетди. Оқибатда хўжаликнинг ишлари йилдан-йилга орқага кетиб иқтисодий қолоқлашди...

Президентимиз Ислом Каримов юқори минбарларда бозор иқтисодиёти шароитида қайсики корхона хориждан ҳамкор тополмас экан, у жамоанинг истиқболи бўлмайди деб қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас. Тўғрида, кимки чет эллик ишбилармонлар билан алоқа ўрнатиб, замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришни йўлга қўйса, унга иқбол ёр.

Туркиянинг «Демир» фирмаси мамлакатимизга маълум ва машҳур бўлиб бормоқда. Фирма ишбилармон ва тадбиркорлари мамлакатимиз мустақил бўлгач, биринчилар қаторида ташриф буюришиб иқтисодий алоқаларни ўрнатишди. Унлаб қўшма корхоналар тузилиб жаҳон бозорида рақобатбардош халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу йилги «Наврўз» айёми янгиҳаётликлар учун қўш шодиёнага айланди. Саноатлаштирилган бўрдоқичилик мажмуаси базасида «Дем эт» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси тузилди. Унга туркиялик ишбилармонлар бир ярим миллион доллар сармоя ажратди. Мақсадлар юксак. Яқин йилларда гўштни қайта ишлайдиган мажмуа ишга туширилади. Бу ерда ўнлаб хилдаги халқ истеъмоли товарлари тайёрланади. Йирик шохли қорамоллар сонини 2000 йилгача 15 мингга етказиш режалаштирилди. Акциялар тайёрланди. Жамоа аъзоларига 10 миллион сўмлик миқдорда акциялар тарқатилди. Энди қўшма корхона ўз акциялари билан қимматбаҳо қоғозлар бозорига чиқишга ҳозирлик кўрмоқда.

Элда яхши удум бор, бирор хайрли ишни бошлаш олдидан жонлиқ сўйилиб, элга дастурхон ёзилади, ош тортилади. «Янги ҳаёт»да Наврўз байрамига қўшма корхона тузилгани муносабати билан ташкил этилган тантаналар қўшилиб кетди. Республикамизга машҳур хонандалар эл хизматида бўлишди.

Тантанада сўзга чиққан Оҳангарон тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Улуғбек Иброҳимов йил бошланиши олдидан барчани қутлуғ айём билан табриклаб, деҳқончиликка қут-барокат, одамларга хуш кайфият тилади.

* * *

Бугун «Тошкент — Ўш» йўлининг ёқасида жойлашган «Дўстлик» ширкат жамоа хўжалиги боғларини кўриб кўзингиз қувонади. Бундан икки йил муқаддам хўжалик қарзга ботганди. Жамоага тажрибали ҳосилот Турдивой Нажимов сардор этиб тайинлангач, ишда сезиларли жонланиш юз берди.

Хўжалик ўтган йилни салкам ярим миллион сўм соф фойда билан якунлади. 302 гектар боғ яратилган. Дарахтлар ҳали ёш, эндигина мевага кирмоқда. Ўтган йили режадагидан мўл мева етиштирилди. Бу йилги ният янада улуғ. 920 гектар майдонга ғалла экилган. Ҳозир ғаллазорлардаги бўлиқ майсалар кўзни қувонтиради. Лалми майдонлардаги майсалар бир марта, сувли ғаллазорлар эса икки марта озиқлантирилиб, икки марта суғорилди.

Ҳозир хўжаликда пилла мавсумига тайёргарлик кўрилмоқда. 220 гектар янги ўзлаштирилган майдонларга сабзавот ва мева экилади. Чорвачиликда ҳам ўзгариш сезилмоқда.

Наврўз шодиёналари арафасида марказий қўрғонда истиқомат қилувчи 105 хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. 2,2 километр узунликда водопровод қувурлари ёткизилгач, аҳолининг оғири енгил бўлди.

Далаларда иш қизғин. Ер тафти деҳқон хуморини ёймоқда. Боғларда дарахтларга шакл берилаётир. Зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов амалга оширилмоқда.

## *Далаларни Наврўз кезганда*

Боғбонлар яхши ниятларни кўнгилга тукканлар. Бу йил 800 тонна мева, 2 минг тонна сабзавот етиштирилади.

Мева-сабзавот сақлаш совуқхонаси, мева қуритиш шохобчаси қурилмоқда. Ўтган йил ҳосилидан қиш мавсумига 20 тонна олма сақланганди. Қишда улар сотилгач, ойликларни вақтида олишга имкон туғилди.

«Дўстлик» ширкат жамоа хўжалигида янги деҳқончилик йили ўзига хос кўтаринкилик руҳида бошланди. Бу эса барокатдан, тўкинликдан нишона.

* * *

Қоратош, Қатоpовул, Эгизқора, Муллатошил, Тоғойбобо адирларига баҳор кечроқ келади. Майсалар энди юз кўрсатмоқда. Қишловдан чиққан қўй-қўзилар адирлар ён бағирларига ёйилиб кетган.

Биз тажрибали чўпон Тиловбош Мусақов ҳузуридамиз:

— Байрамни қандай кутиб олдингиз?

— Худога шукр, Наврўз наврўздай бўлди. Шу куни 15 та қўй қўзилади, биттаси эгиз туғди. Чўпонга катта қувонч — байрам.

Ҳа, ҳозир қўзилатиш қизғин. Тиловбош ака 300 бош совлиқни парвариш қилмоқда. Сирасини айтганда, чўпонлик сермашаққат иш. Унинг ташвишию қувончлари кўп.

Тиловбош аканинг кўнгли тўқ. Дастлабки ўн кундаёқ 125 бош соғлом ва дуркун қўзи олинди. Нобудгарчиликка йўл қўйилмаётир. Янги туққан қўйлар алоҳида парваришланмоқда. Ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 103 тадан қўзи олганди. Бу йилги мўлжал ҳам шунча.

Чўпоннинг уч ўғил, уч қизи бор. Катта ўғли Жумавой отасига ёрдамчи. Чўпонликнинг ҳавосини олган. Отарларга отарлар қўшилаверсин, Тиловбош ака!

* * *

Оҳангарон туманида Наврўз ўзгача файз ва таровват билан ўтди. Байрамда 100 дан ортиқ кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган етим-есирлар, ёлғиз қарияларга ҳокимият томонидан совға-саломлар улашилди. Ўксик кўнгиллар тоғдек кўтарилди. Барча хўжаликларда байрам сайиллари ташкил этилди. Дошқозонларда палов дамланиб, сумалак тортилди. 120 хонадон Наврўз куни илк бор табиий газ қулайликларидан баҳраманд бўла бошладилар:

Туманда ўн беш минг гектар майдонга ғалла экилган. Бу йил 32 минг тонналик хирмон яратиш иштиёқида меҳнат қилаётган оҳангаронликларнинг ишлари жадал.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# УНУТИЛМАС КУН

Оламни гулларга бурқаб, яшартириб, дилларни қувнатиб, мустақил юртимизни Наврўзи олам кезяпти. Унинг чиройли ташрифидан теварак-атроф нурафшон бўлди. Офтобнинг тафти ҳам, юракларнинг ороми ҳам ўзгача бугун. Юзу кўзларда жозибали табассум, қалбларда меҳр-оқибат, лабларда эса жилвалар порлаяпти. Мовий осмон узра турналар «қурқўр»лашиб, қалдирғочлар ғужғон уриб вижирлашмоқда. Ҳаётдаги тирик жон борки, баҳор ташрифидан ҳаракатга тушмоқда. Шундай бир субҳидамда халқимизнинг қадимий байрами — Наврўз нишонланаётганидан юртимиз чароғон. Айни кунлар шаҳару қишлоқларга. деҳқон хонадонию, чўпон отарига ҳам унинг файзу таровати кириб борган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ихтиёридаги Ризамат Мусамуҳамедов номли Тошкент Агробизнес коллежи жамоаси ҳам бу шодиёнани юксак кайфиятда нишонладилар. У илгариги мева-сабзавотчилик техникуми базасида ташкил этилган. Бу ерда бугун фермер хўжалигини ташкил этиш, вино технологияси, бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик ҳуқуқшунослиги бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Маънавияти юксалаётган талабаларга профессор ва фан номзодлари сабоқ бермоқдалар. Улар амалий соатларни Шредер номли илмий-тадқиқот институтининг лаборатория ва заводларида, Тошкент консерва комбинатида ўтказишаяпти.

Коллежга академик Маҳмуд Мирзаевнинг ҳар томонлама ёрдами беҳад катта бўлаётир.

Наврўз — одамларни бирбирига яқинлаштирадиган табаррук айём. Қолаверса, у ободончилик ва саришталик байрами ҳам.

Наврўз олдидан коллеж жамоаси ҳовлиларни, ариқ ва зовурларни тозалаб, биноларни, дарахтларни оқлаб, хоналарни саранжом-саришта қилишди. Мевали кўчатлар экиб, боғ барпо этишди.

Шодиёна куни ташриф буюрганлар Тошбуви Ғаниева тайёрлаган хуштаъм сумалак, кўк сомсалар ва лаззатли ошдан тановвул қилдилар. Йиғилганларга коллежнинг «Умид» дастаси қатнашчилари томоша кўрсатишди. Иқбол Абдунабиев, Мақсуда Саидумарова, Умида Ҳайдарова, Акмал Маҳаметов, Музаффар Каримовларнинг баҳор, гул, Ватан, Ўзбекистон ва ёру вафодор ҳақидаги дилбар қўшиқлари ва дилрабо рақслари ҳаммага завқу шавқ бағишлади.

Бу қадимий байрамни қандай қаршиласак, йил ана шундай ўтади, дейишади. Жамоанинг режалаштирган ишлари кўп. Қолаверса, ислоҳотларни амалга оширувчи малакали кадрларнинг кўпи шу масканда етиштирилаяпти. Бу ўта зарурий ишни коллеждаги 30 дан ортиқ ўқитувчилар сидқидилдан бажаришмоқда. Жамоа республикамиздаги қатор олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Қисқа курсларда ҳам бизнесменлар ва тадбиркорлар тайёрланмоқда.

— Ўқув масканига раҳбар бўлиб келганимга бир ярим йил бўлаяпти, — дейди Абдувосит Назиров. — Ўтган давр мобайнида жамоамизнинг фаолияти батамом ўзгарди. Бу ерда замонавий мутахассислар тайёрланяпти. Келгусида трактор ва автомобилларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш усталари ҳамда кўкаламзорлаштириш ва гулзорлар барпо қилиш агрономлари тайёрлашни ҳам режалаштиряпмиз. Ҳозир этикдўзлик устахонаси, сартарошхона ва новвойхона ишлаб турибди. Уларда ўқишдан бўш вақтларда талабаларимиз меҳнат қилиб, пул топмоқдалар. Спорт зали, ошхона, маънавият ва маърифат маркази, кутубхона ва компьютерлар талабалар хизматида.

Ҳозир коллежнинг ишлари юришиб кетди. Илгари стипендиясини ўз вақтида ололмай юрган талабалар ҳар чоракда турли маҳсулотлар ва моддий ҳимояланиш учун қўшимча 500 сўм пул оладиган бўлишди. Шунингдек, бепул транспорт хизмати йўлга қўйилди. Эндиликда иссиқхонада турли хил сабзавотлар ва лимон етиштирилаяпти. Бугун коллеж омборхонасида байрам тантаналари учун бир тонна узум, 3 тонна олма ва беҳи сақланмоқда. ТАСИС дастурига кўра Буюк Британиянинг ТЭФАП ўқув маркази билан икки томонлама ҳамкорликлар йўлга қўйилган. Жамоа республикадаги 30 га яқин фермерлар билан ҳам бамаслаҳат иш юритаяпти.

Наврўз — гўзаллик, дўстлик, биродарлик айёми. Бу кун одамларда Ватанга, табиатга, ота-онага ва дўсти-қадрдонга меҳр-муҳаббат яна ҳам ортди. Наврўздан шодланган ўқитувчилар кўп болали сафдошларига, уруш ва меҳнат фахрийларига, қариялар, ёлғизлар ҳамда ногиронларга моддий ёрдам кўрсатдилар. Бу муқаддас сана жамоа тарихига унутилмас кун бўлиб муҳрланди.

**Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

